

World Conference on Agricultural and Earth Sciences
Hosted Online from Istanbul, Turkey
Date: 20th October, 2026
Website: https://econferencia.com

НАВОИЙ ВИЛОЯТИДА ТАРИХИЙ-МАДАНИЙ ТУРИЗМДАН ФОЙДАЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Махмудов Собир Худойбердиевич
СамИСИ “Туризм” кафедраси доценти

Аннотация
Мақолада тарихий-маданий туризмнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти унинг мамлакат аҳолисининг даромадларини оширишдаги роли, Навоий вилоятиниг туристик салоҳияти ва ундан фойдаланиш истиқболлари ёритилган.

Калит сўзлар. Тарихий-маданий туризм, даромад, аҳоли даромадлари, туритик салоҳият, маданий мерос, хорижий валюта.

Ҳар бир мамлакатнинг ўзига хос географик ўрни, табиий ресурслари, иқтисодиёт соҳаларининг ривожланиш имкониятлари, шунингдек тарихи, маданияти, урф-одатлари, анъаналари мавжуд. Ушбу имкониятлардан мамлакат равнақи йўлида унумли фойдаланган давлатларгина устун ривожланишга даъвогарлик қила олади. Ўзбекистоннинг денгизлардан узоқ масофадаги ўзига хос географик ўрни ва жаҳоннинг ривожланган иқтисодий марказлари билан сув транспорт алоқаларининг йўқлиги мамлакатнинг жаҳон иқтисодий тизимига интеграциялашувини муайян даражада чеклайди. Шу сабабли кўпчилик тадқиқотчилар ҳақли равишда туризмни Ўзбекистон тараққиётининг энг муҳим заҳираларидан бири, деб ҳисоблайдилар. Энг муҳими, Ўзбекистон ўзининг бой ва кўп жиҳатдан ноёб тарихий-маданий мероси туфайли иқтисодиётнинг ушбу секторини ривожлантириш учун катта имкониятларга эга. Шунингдек, Ўзбекистонда

туристик манба сифатида фойдаланиш мумкин бўлган бетакрор гўзал табиати, ландшафти (саҳро, чўл-адирлар, тоғлар, пасттекисликлар), хилма-хил ноёб ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда жаҳон аҳамиятига эга бўлган археологик топилмалар, палеонтологик қолдиқлар ҳам мавжуд. Ушбу тарихий элементлар (топилмалар) сайёҳларни жалб этишда катта аҳамият касб этади.

Ўзбекистонда тарихий ва маданий ёдгорликлар-нинг кўплиги ва улардан самарали фойдаланиш орқали иқтисодиётни юксалтиришга кучли таъсир кўрсатиши мумкинлигини ҳисобга олган ҳолда, мамлакатда тарихий-маданий туризмни ривожлантириш бошқа туризм турларига қараганда фойдалироқ бўлади, деб ҳисоблаймиз. Ўзбекистонда туризм саноатини жадал ривожлантириш, жумладан, тарихий-маданий меросга пухта муносабат, халқаро стандартларга тўла жавоб берадиган инфратузилмани яратиш ва халқаро алоқаларни мустаҳкамлаш минтақамизни дунёнинг энг кўп ташриф буюрадиган ва туризмни даромаднинг асосий манбаларидан бирига айлантира оладиган мамлакатларидан бирига айлантириши мумкин. Тарихий–маданий туризм катта иқтисодий ва айни пайтда, муҳим ижтимоий аҳамиятга эга. Унинг ижтимоий мазмуни мамлакат аҳолисини иш билан таъминлаш, туристларнинг атроф-муҳит, борлиқ ҳақидаги дунёқарашларини кенгайтириш, дунё аҳлига мамлакатнинг асрлар давомидаги ўтмишини, бой маданиятини кўрсатиш орқали жалб этишдан иборат. Тарихий-маданий туризмнинг иқтисодий аҳамияти унинг мамлакат аҳолисининг даромадларини ошириш, турмуш даражасини яхшилаш, моддий эҳтиёжларини қондириш ва бошқа жиҳатларида намоён бўлади.

Шу сабабли ҳам, даставвал тархий-маданий туризмнинг ижтимоий-иқтисодий мазмуни ва самарадорлигини оширишнинг илмий асосларини

чуқур билиш, кенг ва ҳар томонлама таҳлил қилиш муҳим назарий ва амалий аҳамият касб этади.

Ҳозирда Навоий вилоятида ҳам тарихий-маданий туристик объектлардан фойдаланиш самарадорлиги йилдан-йилга анча юқорилаб бормоқда. Чунончи, вилоятга 2018-йилда 30 та хорижий давлатдан 27,1 минг нафар хорижий сайёҳлар ташрифи кузатилган бўлса, 2019-йилда 53 та хорижий давлатдан 57,4 минг нафар хорижий сайёҳ ташрифи кузатилди. Шунингдек, 2021-йил давомида 9 минг нафар хорижий сайёҳ ташрифи кузатилди. Шу билан бир қаторда, маҳаллий сайёҳлар сони 2019-йилнинг 12 ойи мобайнида 2404 мингдан ортиб, 2018-йил (1895 минг нафар) га нисбатан 27 % га кўпайган. 2021-йил давомида 522 минг нафар маҳаллий сайёҳ ташрифи кузатилди. Шунингдек, 2021-йилда Ички туризмни ривожлантириш дастурига мувофиқ, вилоятда мавжуд жами 77 та корхона-ташкилотларнинг 55 минг нафар ишчи-ходимлари ҳамда 307 та маҳалла фуқаро йиғинларидан 169 минг нафар фуқаро ички туризмга жалб қилинди, умумий ҳисобда 250 минг нафарга яқин кишининг саёҳати ташкил этилди. Бугунги кунда вилоятда жами сайёҳларни жойлаштириш обектлари сони 158 тага етказилди, улардаги хоналар сони 2012 та, ўринлар сони 4792 тани ташкил этмоқда. Шундан: 37 таси меҳмонхона, 88 таси оилавий меҳмон уйлари, 24 таси хостел, 5 таси дам олиш масканлари, 4 таси ўтовли лагерлардир. Ма’лумот ўрнида шуни айтиб ўтиш керакки, 2016-йилда меҳмон уйлари сони 1 тани ташкил қилган бўлса, 2023-йилнинг март ойига қадар 88 тага етказилиб, 120 та янги иш ўринлари яратилди. “2020–2021-йилларга мўлжалланган ҳудудий инвестиция дастури” доирасида 2021-йилда 300 минг долларлик хорижий инвестицияларни ўзлаштириш орқали 1 та лойиҳа ишга туширилди, бу орқали инвестиция ўзлаштирилиб, йиллик режа 100 % га бажарилди ва 15 та янги иш ўрни ташкил этилди. Хусусан, Навоий

вилоятида туризм соҳасини янада ривожлантириш мақсадида 2021-йил давомида умумий қиймати 12 млрд. сўмлик жами 7 та лойиҳа амалга оширилди. Натижада 7 та янги меҳмонхона (154 та хона, 235 та ўрин) ишга туширилиб, жами 68 та янги иш ўрни яратилди.

Вилоятнинг туризм салоҳиятини янада кенг тарғиб қилиш мақсадида, 70 га яқин тарғибот материаллари, жумладан туристик хариталар, туристик буклет ва брошюралар тайёрланиб, туризм ахборот марказлари, меҳмонхоналар, туроператорлар, республика даражасидаги кўргазма ва форумларда чет эллик меҳмонларга тарқатилиши та’минланиб, 100 га яқин хорижий оммавий ахборот воситалари ва блогерлар орқали турли тарғибот ишлари олиб борилган.

Бизнингча, барча туристик маршрутларни Навоий вилоятидан бошлаб ишлаб чиқиш лозим. Чунки кенг фаолият кўрсатишни бошлаган “Навоий” ЭИИЗда банд бўлган хорижий ва мамлакатимиз фуқаролари, унга ташриф буюрувчилар туристик маршрутларини Навоий шаҳридан бошлашни тақозо қилади. Бу – туризмни ривожлантириш учун катта имконият. Фақат ундан оқилона фойдаланишни йўлга қўйиш лозим. ўз навбатида Навоий вилояти ҳокимлигининг 2017-йил 12-октябрдаги “Аҳоли хонадонларида дам олувчилар ва сайёҳлар учун замонавий шароитлар асосида “меҳмон уйлари”ни ташкил этиш бўйича чора-тадбирлари”нинг бажарилиши учун имкон беради.

Навоий вилояти шимоли-ғарбда Қизилқум саҳроси, жануби-шарқда Нурота тоғ тизмалари ҳамда Зарафшон дарёсининг ўрта қисмида жойлашганлиги аҳолига деҳқончилик билан шуғулланиш имконини бермоқда. Ҳудудда нафақат Зарафшон дарёси, балки Айдаркўл, Шўркўл, Тўдакўл сингари кўплаб йирик сув ҳавзалари вилоят табиатининг янада ранг-баранг бўлишига ҳисса қўшмоқда. Навоий ёш ва навқирон вилоят бўлса-да, унинг

инсоният тамаддунига катта ҳисса қўшган қадимий ва бетакрор тарихи бор. Хусусан, Работи Малик карвонсаройи ва Сардоба, Қосим Шайх Азизон хонақоҳи ва Нуротанинг ноёб ме'морий обидалари бебаҳо маданий меросдир.

Навоий вилоятининг Учқудуқ шаҳрида Тошўрмон, Сармишсой дарасидаги ибтидоий қоятош суратлари, ҳозирги Навбаҳор тумани Учтут, Ижанд, Сангбурсой қишлоқларида ўтказилган археологик изланишларнинг натижасида бу ерлардан тош асри овчиларининг меҳнат қуроллари ва ибтидоий қоятош суратлари топилган ҳамда ЮНЕСКОнинг тарихий ёдгорликлар рўйхатига киритилгани бугунги кунда ҳеч кимга сир эмас.

Бизнингча бугунги кунда Навоий вилоятидаги тарихий-маданий туристик объектлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида қуйидагиларни амалга ошиш мақсадга муофиқ:

- тарихий-маданий объектларда реконструкция ва реставрация ишларини амалга ошириш;
- тарихий-маданий туристик объектлар худудига киришда масканларнинг номини катта ва кўринадиган фонда ёзилишини ташкил этиш;
- тарихий-маданий туристик объектларнинг кириш қисмида объект тарихи, тегишли фактлар ва улар ҳақидаги зарурий маълумотларни 3 хил тилдаги (ўзбек, рус, инглиз) ахборот тахтасини ўрнатиш ҳамда ижтимоий тармоқларда жойлаштириш;
- ҳар бир тарихий объект ва дам олиш жойларида интернет ҳамда Wi-FI тизимини йўлга қўйиш, зиёратгоҳларнинг расмий веб саҳифаларини яратиш;
-зиёратгоҳ ҳудудларида алоҳида таҳоратхона, номозхоналар ва душхоналарни ташкил этиш ҳамда жойлашган жойи, кўрсаткичларни ўрнатиш зарур.



Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1.Tulyakov E. Ichki va ziyorat turizmini rivojlantirish imkoniyatlari kengaymoqda // “Dunyo” axborot agentligi. 2022-yil 10-may. [Internet manba]. URL: https://dunyo.info/cyrl/site/inner/ ichki_ va_ziiorat_turizmni_ rivozhlantirish imkoniyatlari_kengaymoqda-bYY (Murojaat etilgan sana: 06.11.2023)

2. O‘zbekiston turizm salohiyati. [Internet manba]. URL: http://www.uzbekistan-geneva.ch/tu rizm-191. html (Murojaat etilgan sana: 06.11.23)

3.Zulfiqorov U. Mamlakatimizda turizm sohasining salohiyati (raqamli ko`rsatkichlar asosida). // Formation of psychology and pedagogy as interdisciplinary sciences, 2023. – Vol. 2. – No19. – Pp.187–200.